

УДК: 930.8:39+572(048)

ЎЗБЕК ЭТНОСПОРТИНИНГ ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛИ

Ихтиёр Ғаниевич ЖАЛИЛОВ

тадқиқотчи

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада этносспорт турларининг шаклланиш жараёни ва Ўзбекистон мустақиллиги давридаги равнақи манбашунослик, тарих, археология, этнология, фольклор каби фанлар маълумотлари асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: ўзбек, этносспорт турлари, тарих, замонавийлик, археология, этнография, фольклор, кураш, улоқ, чавгон, дорбоз, болалар ўйинлари.

АНАЛИЗ УЗБЕКСКОГО ЭТНОСПОРТА С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ ИСТОРИИ И СОВРЕМЕННОСТИ

Ихтияр Ғаниевич ЖАЛИЛОВ

исследователь

Каршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистан

Аннотация

В данной статье процесс формирования и развития видов этноспорта в Узбекистане освещается на основании материалов источниковедения, истории, археологии, этнографии и фольклора.

Ключевые слова: узбек, виды этноспорта, история, современность, археология, этнография, фольклор, борьба, улак, чавган, канатоходец, детские игры.

Ҳозирги даврда глобаллашув ва ривожланган урбанизация жараёнлари бир томондан инсониятнинг маданий хилма-хиллиги унификациялашувига олиб келган бўлса, бошқа жиҳатдан эса илм-фан ва ахборот соҳасидаги инновациялар миллий маданиятларнинг ҳам ривожланиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, халқ оғзаки ижоди, халқ анъанавий ўйинлари каби номоддий маданий мерос объектларига миллий маданият феномени сифатида ёндашиб, уларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш устувор вазифа деб қаралмоқда.

Этноспорт ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш, ўтказиш ва ривожлантириш бўйича халқаро доирада қатор келишувлар амалга оширилган. Миллий спорт ва халқ ўйинлари орқали инсониятнинг жисмоний фаоллиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бугунги кунда устувор вазифа сифатида қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга қаратилган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг оммалаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифамиз қаторига киради” [2;219]

Халқ ўйинлари этноспорт сифатида қадимги даврлардан Марказий Осиё халқларининг кўплаб урф-одат, маросимлари, тўй ва оммавий байрам томошаларининг узвий қисми бўлган. Айниқса, оммавий халқ ўйинлари ҳисобланган кураш ва кўпқари (улоқ) ўйинлари бозор муносабатлари, ахборотлашиш шароитида миллий-маданий чегаралардан чиқиб, халқаро аҳамият касб этиб бормоқда. Бундай ҳолат халқ ўйинларининг тарихий илдизлари, ривожланиши, этнолокал хусусиятлари ва трансформацияси масалаларини мамлакатимиз, минтақалароҳолиси мисолида этнологик йўналишда илмий тадқиқ этишни тақазо этмоқда.

Элшунос олимлар фикрича, сони 3-5 мингтани ташкил этадиган ўзбек халқ ўйинлари шаклланиши бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади. Тарихий ва ёзма манбаларда халқ ўйинлари тарихи ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд. Масалан, кураш, чавгон, кўпқари, чиллак каби оммавий халқ ўйинлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, айниқса, IX-XII асрлар – биринчи Ренессанс (Уйғониш) даври тарихий-адабий асарларида акс этган. Бироқ ўзбек миллий кураши ҳақидаги ёзма манба маълумотлари минг йилдан нарига ўтмайди. Қадимги ва илк ўрта асрлар даври халқ ўйинларига доир оид ёзма манбалар эса, турли сабабларга кўра, бизгача етиб келмаган. Лекин,

халқ ўйинлари, жумладан, кураш ҳамда от билан боғлиқ ўйинлар ҳақида археологик манбаларда анчагина маълумотлар ўз аксини топган.

Айниқса, кўпроқ Шарқ яккакураши ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Қадимги ва ўрта асрларда халқ ўйинлари ҳақида, аввало, археологик материаллар, ёзма ва тарихий манбаларда муҳим маълумотлар берилган. Рус шарқшуноси ва археологи С.П.Толстовнинг (1907-1976) Хоразмдаги Жонбосқалъада олиб борган археологик тадқиқотларида милoddан аввалги IV асрларда турли уруғ жамоалари ўртасида анъанавий кураш кенг тарқалганлиги аниқланган [13;234-236] Археологик қазилар вақтида курашчиларнинг олишув пайтини тасвир этувчи фигуралари, ҳамда Қўйқирилган қалъадан (мил.ав. IV-III асрлар) олишаётган жангчилар тасвирланган мусаллас ичиладиган идиш топилган. Олимнинг таъкидлашича, аجدодларимиз ўтмишда турли тантана, сайилларда, айниқса, Наврўз кунларида кураш мусобақалари уюштиришган.

Курашнинг археологик материалларда акс этишига бағишланган ишлардан бири – академик А.Асқаровнинг “Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши” номли мақоласи [4;13]да олим кўплаб махсус адабиётларни, археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисоботларни, археологик коллекцияларни, монументал деворий суратлар ва амалий санъат обидаларини яна бир бор кўздан кечириб, қимматли маълумотларни қўлга киритган.

Олим Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган бронза даврига оид Жарқўтон ёдгорлигидан топиб ўрганган бир сопол идиш парчасида икки паҳлавоннинг кураши ва бу курашувчилардан бири эса ўз рақибининг оёғидан чалаётгани, бошқа бир шундай идиш гардишига ишланган ҳайкалчалар орасида паҳлавоннинг қўлларини баланд кўтариб олишишга киришаётган ҳолати тасвирланган. Бу идиш парчалари бронза даврига оид бўлиб, ўзбек миллий курашининг илдизлари камида 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигидан гувоҳлик беради, деб хулоса чиқарган қадимшунос академик. Шу билан биргаликда у Сўғдиёна, Марғиёна

худудларида топилган археологик ашёлар асосида ҳам кураш ҳақида қимматли маълумотларни таҳлил этган ва муҳим хулосалар берган. Археологик ашёларни туркий халқлар орасида кенг тарқалган мифологик образлар талқини ва халқ оғзаки ижодиёти материаллари билан ҳам қиёсий ўрганиб чиқиб, Олтой халқлари мифологияси, “Манас” достонидаги мифологик образларни қиёсий таҳлил этган [5;3-21]

Қадимги ва ўрта асрлар ҳамда сўнгги даврларда яратилган дoston, диний-мифологик асарларда акс этган халқ ўйинлари ҳамда уларнинг тарихи ва этнографиясига оид маълумотлар ниҳоятда муҳимдир. Жумладан, Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”, ўзбек халқ дostonлари “Алпомиш” ва “Гўрўғли”, қирғиз халқ эпоси “Манас”, тожик халқ дostonи “Паҳлавон Рустам” дostonларида акс этган маълумотлар халқ ўйинларининг тарихий-мифологик асосларини ўрганишда аҳамиятга эгадир.

Кўпқари, кураш, чавгон каби халқ спорт ўйинлари тарихини ўрганишда фольклор материаллари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ оғзаки ижодига оид айрим эпосларда ҳам миллий спорт турларимизга оид муҳим маълумотлар зикр қилинган. Жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ноёб ва нодир намуналари бўлган “Алпомиш”, “Қирққиз”, “Авазхон”, “Гўрўғли”, “Рустамхон”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Ёдгор” сингари бир қатор дostonларда, “Лўнда полвон”, “Зиёд ботир”, “Паҳлавон Рустам”, “Ақли қиз” каби турли мавзулардаги эртақларда, халқ диний қиссаларида от билан боғлиқ ўйинлар, яккакураш баҳслари, жисмоний ва ахлоқий қоидалари ҳақида маълумотлар берилган.

Ўтмишдан маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан яшаган элатлар ўртасида куч синови – кураш кенг тарқалган. Юнон муаррихи Квинт Курций Руф, (мил. 1аср) антик давр ёзувчиси Эллиан Клавдий (175-235) асарларида ҳам сак, массагет, суғд, тохар каби кўплаб элатлар ўртасида кенг тарқалган кураш ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Халқ ўйинлари, от машқлари, уни пойгага, жангга тайёрлаш, жангчиларни доимий равишда чавандозлик, жанговарлик, яккакураш

салоҳиятини доимо ўстириб бориш мақсадида пойгалар, мусобақалар, кураш базмлари ўтказиб турилганлиги ҳақида илк ёзма манбаларда маълумотлар берилган. Масалан, Абулқосим Фирдавсийнинг (935-1020) “Шоҳнома”, Махмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғат-ит турк”, Абу Али ибн Синонинг (980-1037) “Тиб қонунлари”, Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома”, Умар Хайёмнинг (1048-1131) “Наврўзнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) “Қутадғу билиг”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1442-1505) “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Саъдийнинг (1219-1293) “Гулистон”, Алишер Навоийнинг (1441-1501) “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Махбуб ул-қулуб”, Зайниддин Восифийнинг (1485-1566) “Нодир воқеалар”, Амир Темурнинг (1336-1405) “Ўғитлари”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) “Бобурнома” ва бошқа тарихий асарларда анъанавий халқ ўйинларига оид баъзи лавҳалар, айрим ўйинларнинг жараёнлари тафсилоти учрайди, жисмоний куч ва паҳлавонлик ҳақида маълумотлар берилган.

Тарихий, археологик ва этнографик манбаларда ҳам халқ ўйинларининг келиб чиқиши ҳамда ривожланишига доир қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Махмуд Қошғарийнинг “Девону-луғатит турк”, Шунингдек, беллитистик асарлардан Ойбекнинг “Алишер Навоий” тарихий романи, “Болалик” қиссаси, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Мирмуҳсиннинг “Темур Малик”, Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” ва шу каби тарихий-илмий, бадиий асарларда, замондош ёзувчи Тоғай Мурод романларида халқ ўйинларининг пайдо бўлиши тарихи, ривож, адиба Гулжаҳон Мардонованинг “Ори кўшиқ бўлган юрт” [10] этнографик бадиасида кўпкарининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ривоятлар, бу халқ ўйини билан боғлиқ маросимлар, урф-одатлар ва анъаналар, либослар тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак Махмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғатит турк” асарида бундан 1000 йил бурун Туркистондан

Термизгача, Ҳазар ва Орол соҳилларидан Тангри тоғ этакларича бўлган ҳудудда яшаган туркий халқлар (чиғил, яғмо, туркман, ўғуз, қирғиз)га тегишли 150 га яқин халқ ўйинлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган [16;360-445].

Халқимиз ўйинларининг бугунги кунгача яшаб ва шаклланиб келишида буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) ўрни алоҳида бўлиб, қомусий аллома бундан минг йил бурун Марказий Осиё ҳудудларида яшаган туркий халқларнинг тарихи, миллий психологияси, географияси, лисони, хусусиятлари, ёзма ва оғзаки адабиёти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ҳарбий машғулотлари, халқ сайиллари ва ўйинларини теран ўрганган ва тарих саҳифаларига муҳрланган.

Ўз даврининг мумтоз битиги ушбу девонида туркий халқларнинг 150 та ўйини тилга олинди, шулардан 20 та ўйин турига батафсил таъриф берилган. Қошғарий катталар ва болаларнинг ёш жиҳатларига мос бўлган ўйинларга алоҳида тўхталиб, мусобақа турларини баён қилган, ўйинларни диққат билан ўрганиб, жисмоний ва ақлий машғулотларга ажратган. Демакки, ҳозирги замонавий этноспорт ва ақлий ўйинларининг деярли аксарияти XI асрда ҳам туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган экан.

Сув ҳавзаларида ўтказиладиган мусобақалар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Сув машқларидан бири бўлган ғаввослик жуда қадимий бўлиб, Маҳмуд Қошғарий асарида сув баҳсларининг икки тури учрайди. Биринчиси, сувда чўмилиш, шўнғиш, сувдан сузиб ўтиш, сув кечиш, сувда қувлашмачоқ бўлса, иккинчиси, эрмак, кўнгил очиш машғулотлари маъносидаги ўйинлардир.

Девонда болалар ўйинларининг баъзилари йўл-йўлакай санаб ўтилган бўлса, баъзи ўйинлар батафсил келтирилган. Ошиқ, чиллак, тўп ўйинлари, қизларнинг арғимчоқ ўйинлари ҳам бирма-бир санаб ўтилган.

XI асрдаги кўпгина ўйинлар болаларнинг ҳозирги даврдаги ўйинларини эслатади. Масалан, “Ўтиш-ўтиш” деб аталган ўйин “Кесак куйди”, “Дарра солди”, “Мушт кетди” ўйинларига ўхшаб кетади. Амударё ва Сирдарё

соҳилларида, Орол этакларида, шунингдек, сойлар, анҳорлар, ҳовуз ва кўллар бўйларида болаларнинг “Мугуз-мугуз” номли қадимий ўйини мавжуд бўлган.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино (980-1037) халқ ўйинлари ҳақида фикр юритар экан, айниқса, бадантарбиянинг киши учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берган. Буюк табиб инсон организминини соғломлаштириш ва касалликни даволаш нуқтаи назаридан қараб, халқ ўйинларидан бири бўлган бадантарбияни бешта асосий қисмга ажратган. Жумладан, тез ҳаракатлар, нозик ва енгил ҳаракатлар, кучлироқ ҳаракатлар, ўта кучли ҳаракатлар, гавда учун махсус ҳаракатлар ва уларнинг ҳар бирини таърифлаган.

Ибн Сино фақатгина машҳур табиб, файласуф бўлиб қолмасдан, балки халқ ўйинларига доир ғоят ранг-баранг нодир мерос қолдирган алломадир. Жаҳоний олим халқ ўйинлари ҳақида фикр юритар экан, айниқса, бадантарбиянинг киши учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди. У эса миллий курашимиз (бухороча ва фарғонача кураш тури) ҳақида ҳам етарлича маълумот қолдирган. Курашнинг турлари ҳам бир нечаталигини тасвирлаб, улардан бири икки курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга, курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини қилади, иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка туртинади. Бошқа тури – курашувчилардан бири иккала қўли билан иккинчисини маҳкам қучоқлаб ўзига тортади ва ерга ағдаради, бу вақтда у қўлини биринчи курашувчининг ўнг қўли остидан ўтказилиши керак, курашувчилар гоҳ гавдаларини тиклаб, гоҳ эгишади.

Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома” асарида “Ҳунар афзунлиги била баланд қадри, олий таъб бўлишмоқ зикрида”, “Мазох қилмоқ, шатранж ва нард ўйнамоқ одобин баёни зикрида”, “Чаҳорпой (от) сотиб олмоқнинг зикрида”, “Чавгон ўйнамоқ зикрида”, “Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида”, “Жувонмардлик зикрида” каби бобларида халқ ўйинларига тегишли бўлган муҳим маълумотлар берилган [8;224]

Умар Хайёмнинг (1048-1131) “Наврўзнома” асари узоқ тарихимиз, Наврўз байрамининг келиб чиқиши, шунга боғлиқ аجدодларимиз урф-одатлари, расм-русумлари, анъана ва ўйинлари ҳақида батафсил маълумот берган. У Наврўзда ўтказиладиган халқ ўйинларидан қиличбозлик, тирандозлик, чавондозлик каби ўйинлар ҳақида қимматли далиллар қолдирган [17].

Хоразмлик етук адиб Паҳлавон Маҳмуд Пурёввалий (1247-1325) кўплаб тилларни эгаллаган ва жисмоний тарбия, хусусан, кураш билан мутназам шуғулланган. У кураги ерга тегмаган баҳодир, нозик дидли шоир сифатида шуҳрат қозонган. У Шарқнинг деярли барча мамлакатларида бўлиб, мусобақаларда қатнашган. Тушган инъом-эҳсон, соврин ва мукофотни бева-бечораларга улашиб ўзи ота касби пўстиндўзлик билан шуғулланган. Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги курашларда ғолиб бўлганлиги, юртдош асирларни ҳибсдан бўшаттириб, Хоразмга олиб келганлиги манбаларда муҳрланган [18;239-241]

Маълумки, чавгон Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда сеvimли миллий от спорти ўйинларидан бири ҳисобланади. “Девону луғотит турк”да бу ўйинга тааллуқли бўлган қуйидаги атамалар келтирилган: “*Тангуқ*” – чавгон ўйинида коптокни тортилган ўтовдан ўтказганга бериладиган ипак кийимлик, “*масал*” – чавгон ўйини майдонида чегарани белгилаб чизилган чизиқ, “*тобиқ*” – чавгон билан уриладиган копток, тўп, Амир Темурнинг (1336-1405) “Ўғитларида” кураш, чавондозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, тирандозлик, қиличбозлик ва ов қилиш илмини эгаллаш ҳақида кўрсатмалар берилган. Соҳибқирон “Ўғитлари”да жисмоний баркамоллик, инсонларни мардликка даъват этувчи теран нақллар мавжуд: “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни”, “Беткай кетар, бел қолар”, “Беклар кетар, эл қолар”, “Бел олишганда отангни аяма”, “Курашиб эришмаган ғалаба, ғалаба эмас”, “Шер йигитни номус ўлдирар”, “Ботир жангда билинур, доно – машваратда”, “Ботирлик қонда бўлади” [6].

Темурийлар даври муаррихлари Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида ҳам миллий кураш удумлари баён этилган. Ҳаттоки Соҳибқирон Амир Темури 1392 йилда Хоразмга юришида ҳукмдор Ҳусайн Суфий билан яккама-якка курашишга даъват этганлиги мазкур асарларда муҳрланган.

1404 йил кузида Самарқанд шаҳрида – Амир Темури саройидаги тантаналарда қатнашган Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз “Кундалик”ларида кураш жараёни тафсилотини ёзиб қолдирган: “Шаҳзода олдида калта, енгсиз камзул кийган икки киши кураш тушар, бир бирини йиқита олмасди. Пирмуҳаммад: “Икки кишидан бири, албатта, йиқилиши керак”, деди. Ниҳоят, бир полвон иккинчисини йиқитиб, туришга йўл қўймай узоқ вақт босиб турди. Айтишларича, йиқилган киши бирдан туриб кетса, унинг енгилгани инобатга олинмасди” [9].

Амир Темурнинг шон-шухрат қозонишининг сири музаффар саркардалиги, одиллиги, донишмандлиги, шу билан бирга, ёшлигиданок кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, тирандозлик, қиличбозлик ҳамда ов илмини мукамал эгаллаганидандир. Темурбек ёшлигидан ниҳоятда бақувват бўлиб вояга етган. У кўтарган 100 кг дан ортиқ оғирликдаги полвон тош ҳозиргача Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор қишлоғида ҳамон сақланиб турибди. Бу эса Соҳибқирон болалигиданок кўплаб ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган халқ ўйинларини севиб ўйнаганидан далолат беради. Чунки болаликдаги ўйинлари уни ҳаётда жангларга, узоқ сафарларга тайёрлашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган, албатта.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида таъкидлаганки, “...Амир Темури 14 ёшга келиб эрди, хон сўрдиким, туруғ отлик кимдир? Анда биров туриб айтди: “Бу Тарағай Баҳодир ўғлидир. Амир Темури хоннинг назарида ёш бола кўриниб, буюрдиким: “Тарағай Баҳодирнинг ўғли жангга бормасин”.

Анда Амир Темур ўқ-ёй олиб, тоблаб юборди. Отилиб эллик қадам ерга бориб тушди. Мирзо Сайфиддин анда тақлид қилиб, ани ўрнига юборилмади. Андин кейин Соҳибқирон дастури Чигатой бирла жонга келиб, тиззасин букиб, хонга таъзим қилди. Айтди: “Илтимос қилиб сиздин хоҳлаюрмен, давлат ҳумоюннингизда ушбу кўшин мен бирла талош қилсалар. Анда уч кун талош қилдилар. Барчалари ақалли анинг кўлидан яроғин тортиб ололмадилар. Бу журъатни Соҳибқирондан кўра баъзилари эсхурун зўр қилдилар, кучлари етмади, тортиб ололмадилар” [15].

Муаррих Яздийнинг қайд этишича Темурбекнинг ўзига хос фазилатларидан бири давлат, мамлакат ва фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг коидаси “рости-русти” эди. “Ул зот доимо ҳақиқат – сихат-саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолат демакдир”, деб уқтирарди. Соҳибқирон инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган иборани кўп такрорлаган.

Амир Темур шиддаткор найзабоз бўлгани ҳақида “Темурнома”да бундай ёзилган: “Фил ҳол Қилич Арслон аслаҳа – яроғларини, найзасини кўлига олиб Амир ҳам мусаллиғ бўлиб, отларга миниб, икки тарафдин шовқин солиб, бирдан найзабозлик қилиб, Амирга найза солди. Амир чап берди, найза солиб эрди, орқасидан яна солди... ҳозир бўл, деб Амир отин ёлига ёпушди. Найза бориб тошга тегиб, икки қарич ботти, яна тортиб олиб найза солди. Амир найзани ўтказиб, қилич солди...” [14].

Демакки, Амир Темур ва ворислари даврида миллий ўйинлар равнақи бўйича туркум рисоалар яратиш мумкин.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа қатор асарларида халқ ўйинларига меҳр билан қараб, уларга бирма-бир таърифу тавсиф берган. Қадимдан пиёда юриш, чопиш, тирандозлик (мерганлик), чавандозлик, қиличбозлик, кураш каби миллий ўйинлар кўпчилик подшоҳларни, хусусан, лашкарбошилар эътиборини жалб этган. Буюк шоир куч синашиш билан

боғлиқ бўлган ўйин турларига “зори” атамасини қўллаган. Масалан, Фарҳод болалигидан кўпгина ҳарбий машқлар билан қизиққан ва шуғулланган [11].

Буюк шоир ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Оқсуяк” ўйини таърифини берган. Маҳмуд Кошғарий девони XI асрда, Алишер Навоийнинг бу асари эса XV асрда ёзилганлиги эътиборга олинса, ҳозирги пайтда ҳам болалар “Оқсуяк” ўйинини худди ўша қоида асосида ўйнайдилар.

XV-XVI асрлардан бошлаб барча ҳукмдорлар миллий байрамларда кураш мусобақалари уюштиришган. Машҳур шоир, давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) “Бобурнома” асарида миллий курашни навкарлар ичида кенг ривожлантирганлиги ва жисмоний машқларга, айниқса, курашга катта эътибор берилганлиги тўғрисида бой маълумотлар мавжуд [7].

Хуллас, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг буюк алломалари, маънавий хазинамиз эгалари бўлмиш зукко шахслар миллий спорт ўйинларининг ёш авлод тарбиясида бениҳоя катта аҳамияти ва ижтимоий-психологик таъсирини ўз илмий асарларида теран баён этишган.

Ҳозирги тезкор глобаллашув даврида инсон болалигининг қандай муҳитда ўтиши эртанги тақдиримиз қандай бўлишида катта аҳамиятга эга. Чунки, бурунги авлод болалари турли халқ ўйинлари ва дидактик аҳамиятга эга машғулотлар билан улғайган бўлишса, ҳозирги ёш авлод учун ахборот технологиялари асрида компьютер график ўйинларининг ижобий томонлари билан бирга салбий жихатлари ҳам мавжудлигидан асло кўз юмиб бўлмайди, албатта.

Миллий спорт турларини оммалаштириш номоддий маданий меросни асраш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги асосий масалалардан саналади. Маълумки, болалик даври турли ўйинлар, беллашувлар ва мутолаа билан боғлиқ бўлиб, бу муҳит шахснинг қандай инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, этнолог олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, миллий ўйинлар сони 3-5 мингтани ташкил этади. Лекин ҳар бир

кишлоқ, туман ва шаҳарларда ўйналадиган халқ ўйинлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ватанимизда улоқ-кўпқари, от устида кураш, белбоғли кураш, тош кўтариш, беш тош, қирқ тош, ошиқ, дорбоз, чиллак каби ўйинлар бўйича беллашувлар, мунтазам ўтказиб келинмоқда. Халқимиз ор-номуси, ғурури бўлган миллий курашимиз қисқа вақт ичида катта аҳамият касб этгани қувонарли ҳол, дейиш мумкин.

Ўзбек халқи кўп асрлар давомида кураш, улоқ-кўпқари, турон, бойқўрғон каби миллий спорт турлари асосчиларига айланган курашчи-полвонлари ҳамда афсонавий чавандозлари билан машҳур бўлган. Истиқлол туфайли мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар туфайли ҳақли равишда Ўзбекистоннинг маданий мероси бўлган миллий спортимизни дунёга намоёиш этиш имконияти вужудга келди.

Чавгон ўйини Марказий Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда сеvimли от спорти ўйинларидан бири ҳисобланади. Айниқса, чавгон эл-юрт мудофааси учун зарур жисмоний машқлардан бири бўлгани учун ҳам ўйин ғолибига бериладиган соврин даражаси доимо ошириб келинган. Онда пойга чопиш, қувлаш, тез йўртиб туриш, тоққа чиқиш, пастликка тушиш каби баҳслар бугунгача сақланиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 25 майдаги “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида миллий ўйинлар турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда уни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган бўлиб, унга кўра, 2023 йил 1 мартдан ҳар йили этноспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиши белгиланган. 2023 йилдан анъанавий тарзда Тошкент шаҳрида ҳар йили этноспорт турлари бўйича Uzbekistan Ethno Games республика фестивали ва Хива шаҳрида ҳар икки йилда Халқаро этноспорт фестивали ташкил қилиниши кўзда тутилган [1].

2022-2023 ўқув йилида республика эстрада-цирк коллежида полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрлари тайёрлаш, ҳар икки

йилда полвонлар ва дорбозлар иштирокида “Полвонлар сулолоси” кўрик танлови ўтказиш белгилаб берилган.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан номоддий-маданий мерос мақоми олиниши мумкин бўлган этносport турлари рўйхати шакллантирилиши миллий халқ ўйинлари қайтадан жонланишига туртки бўлади. 2023 йил биринчи январгача ҳар бир ҳудудда от спорт турларига тегишли анжомлар савдосини йўлга қўйиш мақсадида дўконлар ташкил этилади, бу эса спорт билан бирга туризм тижорати ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бу ҳужжат бугунги кунда халқ орасида норасмий, аммо машҳур ва оммавий кўпқари каби ўйинлар аста-секин илмий аҳамият касб этиши ва нафақат ёшлар ҳаётида, балки ҳарбий соҳаларда ҳам йигитларнинг ниҳоятда чиниқишига замин бўлади.

Ушбу қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши томонидан оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган этносport турлари рўйхати тасдиқланади. Алоҳида этносport турларини ривожлантириш мақсадида спорт федерация (уюшма)лари ташкил этилиши лозимлиги белгиланган.

2023 йилги ва келгуси йиллардаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаларига асосан, жойларда этносport турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун зарур маблағ ажратилиши эса спортнинг янада оммалашишига хизмат қилади.

2023 йилдан бошлаб Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, “Устоз-шогирд” анъанаси асосида полвонлик ва дорбозлик санъати тўғрақлари ташкил этилади. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, шубҳасиз, спорт туризмини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам ёрдам беради.

Анъанавий мусобақалар қаторида “Миллий халқ ўйинлари – миллий ғурур” шиори остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тарғиб қилиш ҳамда янада оммалаштириш бўйича полвонлар ва фахрий устозлар иштирокида туркум кўрсатувлар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қарор миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, уларга болалар ва ўсмирларни кенг жалб қилиш, халқаро алоқаларни кучайтириш мақсадларини ўзида мужассам қилгани билан муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Этноспорт мутахассислари ўйинларни мультфильм ва компьютер графикаси ўйинларига кўчириб, кенг кўламда тижоратлаштириш виртуал оламда болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Ёш авлодни турли ёт компьютер ўйинлари хуружидан ҳимоя қилиб, ақлий ва психологик жиҳатдан комил, маънан соғлом авлод қилиб вояга етказишида муҳим восита бўлади.

Хуллас, этноспорт ўйинларининг моҳияти ва мазмунида жамоани бирлаштириш, ҳимоя қилиш, соғлом авлод тарбияси ва ақлий қобилиятни ривожлантириш мақсадлари мужассамлигини кўршимиз мумкин. Шунинг учун инсон жисмонан соғлом, қатъиятли, сабр-матонатли, ҳозиржавоб ва маънавий етук бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган маҳаллий ўйинлар турларини ривожлантириш жуда муҳим аҳамиятга молик.

Бу каби туркум этноспорт ўйинларини давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида ёшлар ҳаётида кенг кўламда тарғиб этиш уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга муҳим асос бўлиб хизмат қилади, албатта [12].

Демакки, давлатимиз раҳбарининг мазкур Қарорини қабул қилиниши мамлакатимизда халқ ўйинларининг янада оммалаштириши ва замонавий қиёфа касб этиб, ёш авлод ҳаётида тарбиявий аҳамияти ошишида муҳим роль ўйнаши шак-шубҳасиздир.

Ўзбекистонда этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни ўринли деб билдик:

- Ўзбекистон аҳолиси анъанавий ўйинларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун мавжуд маълумотларни интернет сайтларига жойлаштириш, компьютер дастурини яратиш;

-этноспортнинг локал хусусиятлари ва трансформация жараёнларини этнологик таҳлил бўйича илмий тадқиқотлар қамровини янада ошириш мақсадида матбуот ва ОАВларда туркум эшиттиришлар уюштириш, рисола, манография, буклетлар тайёрлаш;

-кураш, кўпқари ва бошқа анъанавий ўйинлар фестивалларини ўтказиш, этнотуризмни раванқ топтириш;

-полвонлар, чавандозлар, абжирлар, кучлиларни чиниқтириш, селекция қилишда маҳаллаларда болалар ва ўсмирлар учун анъанавий халқ кураши бўйича тўғараклар фаолиятини мунтазам ташкил этиб бориш;

-ўзбек халқ этноспорти “энциклопедияси”ни тайёрлаш;

-этноспорт турларини ЮНЕСКО номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш;

-аҳоли кенг қатлами ўртасида жисмоний фаолликни кучайтириш мақсадида оммавий халқ ўйинлари анъаналарини кенг тарғиб қилиш жоиз ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 май ПҚ-259-сон Қарори. //Халқ сўзи, 2022 йил 26 май.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 219 б.

3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. //Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 2001. – 338 б.

4. Асқаров А.А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши. //Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. – 2 қисм. –Тошкент, 2005. – Б. 3-13.
5. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001. – 24 б.
6. Амир Темур ўғитлари. – Тошкент: Наврўз, 1992. – 64 б.
7. Бобур, Захириддин Мухаммад . Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 288 б.
8. Кайковус. Қобуснома //Нашрга тайёрловчи С.Долимов, У.Долимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.
9. Клавихо, Руи де Гонсалес. Самарқандга – Амир Темур саройига сайёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 178 б.
10. Мардонова Г. Ори қўшиқ бўлган юрт: этнографик бадиа. – Тошкент: Nihol, 2010. – 97 б.
11. Навоий, Алишер. Хамса. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1986 – 424 б.
12. Норинбоев О. Миллий ўйинимиз чопқирлари: ўйна, қувла ва соғлом бўл! //Янги Ўзбекистон, 2022 йил 3 июнь.
13. Толстов С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. – Москва-Ленинград: Наука, 1948. – 323 с.
14. Тошкандий, Салоҳиддин. Темурнома. //Нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 110 б.
15. Яздий, Шарафудин Али. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 383 б.
16. Қошғарий, Маҳмуд. Девону лугати-т-турк. Уч жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1963. – 564 б.
17. Ҳайём, Умар. Наврўзнама. – Тошкент: Меҳнат, 1990. – 80 б.
18. Ҳомидий, Ҳомиджон. Тасаввуф алломалари. Тўлдирилган нашри. – Тошкент: Ozbekiston, 2016. – 320 б.